

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (3794). | Пайшанба, 21 март 1968 йил | Баҳоси 2 тийин.

ШОЛИКОРЛАР МУСОБАҚАСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозчилар ва ихтисослаштирилган шолчилик совхозларининг ишчилари, колхозлар, бригадалар ва зенитлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VIII пленумининг «Республика колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан катта миқёсдаги ишларни амалга оширмоқдалар. Шолкошлар майдони анча кенгайтирилди, шолнинг ҳосилдорлиги ошди. Кейинги тўрт йил мобайнида етиштирилган ва тайёрланган шолнинг миқдорда икки баравар кўпайди. Ўтган юбилей йилида давлатга 100 минг тоннадан зиёд шол сотилди.

Республиканинг шолчилик хўжаликлари беш йилликнинг учинчи йилида шолчиликни янада юксалтириш юзасидан юксак марраларни белгиладилар.

Қозоғистон шолкорлари Украина, Ўзбекистон ва Қирғизиядан ўлкаси шолкорларига шолдан мўл ҳосил олиш, шол етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган беш йиллик план топириқларини мўддатидан илгари бажариш, В. И. Ленин тугилган кўннинг 100 йиллигини муносиб қўтиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қўзғитиш ҳақидаги қарор билан мурожаат қилдилар.

Қозоғистон ССР шолкорларининг мурожаатига жавобан республикадаги шолчилик колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари социалистик мусобақага қўшилиб, ҳосилдорликни ошириш ва шол уруғчилигини яхшилаш, 1968 йилда шол етиштиришни кўпайтириш ва давлатга шол сотиш планини мўддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, шол екишни қисқа мўддатларда ва юксак агротехника қондалари асосида ўтказиш, фақат районлаштирилган энг яхши навл уруғларни экиш ҳисобига, шол етиштиришни илгор усулларини қўлланган асосида Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозининг шолкорлари бу йил гектаридан 70 центнердан, Гурлан районидagi «Коммунизм»

колхозининг шолкорлари гектаридан 60 центнердан, Ал-Хоразмий номи, «Маданият» ва «Сирдарё» совхозларининг шолкорлари гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ҳақида ваъда беришди.

«Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасига қарашли ихтисослаштирилган шолчилик совхозларининг коллективлари беш йилликнинг учинчи йилида барча хўжаликлар бўйича гектаридан ўрта ҳисобда 31 центнердан шол олиш, шолкошлардаги бегона ўтларга қарши курашда гербицидларни кенг қўлланш ва техникадан яхши фойдаланиш ҳисобига ҳосилни қисқа мўддатларда ўриб-ёйиб олиш, етарли миқдорда уруғлик фонди жамғариш ва давлатга шол топириш планини мўддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар.

Қозоғистон шолкорлари қақирғига жавобан шолдан мўл ҳосил олиш ва шол етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан беш йиллик план топириқларини мўддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олган Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда», Гурлан районидagi «Коммунизм» колхозлари, Ал-Хоразмий номи, «Маданият» ва «Сирдарё» совхозлари, шунингдек «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасига қарашли ихтисослаштирилган шолчилик совхозлари шолкорларининг ташаббуси маъқулланди.

Область ва район партия комитетлари, шолчилик колхозлари ва совхозларининг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари республикадаги илгор шолчилик хўжаликлари коллективларининг социалистик мажбуриятларини барча шолчилик бригадалари, бўлимлари, колхозлар ва совхозларда кенг муҳокама қилиш ва шу асосда республикада шолчиликни янада юксалтириш учун социалистик мусобақани авж олдириш топириқлари.

Газеталарнинг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радиоэшитириш ва телевидение давлат комитетига республика шолкорлари социалистик мусобақаси қандай давом этаётганини кенг ёритиб бориш тақлиф этилди.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Тошкент корхоналари, муассасалари ва ўқув юрталарида барча совет кишиларининг ҳис-туяғуларини ифодаловчи «Вьетнамлик азиз биродарлар, сизлар билан ҳамдამлик» деган шор янграмоқда. Америка агрессиясига қарши кураш умумвьетнам кўнига бағишланб, 19 мартда ўтказилган умумшаҳар йиғилишига келган меҳнаткашларнинг неча юзлаб вакиллари бу шорни янги куч билан ифодаладилар.

Шаҳар партия комитетининг секретари Р. Н. Бобожонова, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиуми раисининг ўринбосари Ф. М. Маҳмадов, политехника институтининг доценти К. Х. Ҳасанов, трактор йўтув заводининг слесари Н. А. Шатқалин, кека коммунист Г. Насруллин ва сўзга чиққан бошқа ўртоқлар қаҳрамон Вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлик тўғрисида таъкидлар. Нотиқлар Вьетнам ватанпарварларининг қаҳрамонлигига қўйил қўлини билан бирга, қардош Вьетнам халқи Америка қарбўйларига қарши олиб бораётган курашида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар қўрсатётган ёрдамга таянаётганлигини фахрланиб ўқитиб ўтдилар.

Шаҳар жамоатчилиги вакиллари Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сийси маслаҳат комитетининг Софийада бўлган қидагида қабул қилинган Вьетнамда Америка агрессияси кенгайтирилиши натижасида тинчликка туғилган халф тўғрисидаги декларацияни қизғин маъқуладилар.

Вьетнамлик йигит, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг студенти Ле Ван Чинг Вьетнам халқига бегараз ердан берилганликлар учун совет кишиларига рус тилида самимий мингнатдорчилик сўзларини айтди.

Йигилиш қатнашчилари ақидлик билан қабул қилган резолюцияда бундай дейилади: биз Вьетнам халқининг галаба қозонишига ишонамиз! Яшасин Совет Иттифоқи билан Вьетнам халқларининг абадий ва бузғилмас дўстлиги! (ЎзТАГ).

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати коллективи Сардобадаги янги кўроғини қонидан маъдан қазиб чиқариш ишларини йўлга қўйди. Суратда: Сардоба қонида очилг усулда маъдан қазиб чиқариш пайти тасвирланган.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).

БОҒЛАРДА БАҲОР

Қўктам. Қўёш тафтидан баҳораманд бўлган дарахтлар бағр чиқариб, ҳосил нишонларини кўрсата бошладилар. Шундай дамларда қишлоқларимиз файзга яна ҳам файз қўшилди. Ҳаммаёқ ишил либосга бурканди.

Тошкент ёнидаги гўзал жойларини эгаллаган «Қўбрай» совхозининг олмасор, узузмор боғлари, кулупнай далаларини айланган сари кишининг бахридиги яна ҳам очилиб кетди. Совхоз ишчилари баҳорга пухта тайёргарлик қўришди. Соҳибкорлар тоқларни органик, минерал ўғитлар билан тўйдирилди. Олмаалари лхшилаб бутадилар. Сувчилар ариқ олиб, дарахтларнинг тағирларига сув бериб, кўпроқ нам тўплаш юзасидан талайгина ишларни амалга оширдилар.

Қиш кўнлари совхозининг

ҳамма узузмор, олмасор боғлари сугорилди. Ҳар гектар ерга ярим тоннага етказилиб суперфосфат солинди. Пландига нисбатан бир неча юз тонна кўл гўнг чиқарилиди. Дарахтларга кимёвий дориворлар пурқалди.

Абдураимжон Ҳайитбоев бошлиқ 2-бўлим боғбонларининг ишлари ҳар қанча мақтаса арзийди. Соҳибкорлар ўтган йилдагидек бу йил ҳам гайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бўлимдаги барча тоқзорлар ўғитланиб бўлиди. Кам узузм олтинга майдонларга қўшимча ишлов берилди. Ил бошида ишчилар 1200 тонна ўғит чиқаришни планлаштирган эдилар. Амалда эса салкам 2 минг тоннага яқин гўнг боғларга солинди.

Боғроғларни кўркам қилишда, ҳар бир няхолнинг ҳосил-

дорлигини оширишда Юнус Илёсов, Вазир Ҳайридиннов каби тажрибали ишчиларнинг хизмати катта.

— Юбилей йили, — дейди совхоз директори Мухтор Алоудинов, — галабалар билан йулланди. Соҳибкорлар, боғбонлар ва деҳқонларимизнинг ҳаммаси ҳалоллик билан ишлаганликлари туфайли ҳам меваалардан мўл ҳосил етиштириди.

Совхозимиз нуқул фойда келтирадиган хўжаликлардан бирига айланиб қолди. Бир йилнинг ўзидеёқ пландига нисбатан қўшимча бир неча юз минг сўмлик даромад қилдик. Совхозда етиштирилаётган узузм, олма, шафтоли, кулупнайларни йирик саноат марказларига, Уралга, Омск, Томск, Москва, Ленинград ва

бошқа шаҳарларга ҳар йили кўплаб жўнатиб турамыз. Қардошларимиз ширин-шакар мевааларимиздан беҳад ҳурсанд бўлмоқдалар. Бу йил ҳам халқимиз дастурхонини ноз-неъматлар билан мўл-қўл қилишдек олижаноб ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Совхоз коллективи ўз зиммасига беш йилликнинг учинчи йилида 5200 тонна узузм, 1622 тонна мева, 115 тонна кулупнай етказиб бериш мажбуриятини олган.

Совхознинг боғ ва далаларида эрта тондан ҳаёт қайнамоқда. Соҳибкорлар, боғбонлар бир-бирлари билан мусобақаланиб, кўпроқ ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар.

М. ҲОЗИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi Қуёбишев номи колхозда очилган А. Икромов номи профессионал техника мактабининг филиалида 50 дан ортиқ қизлар механик-ҳайдовчилик касбини ўрганишяпти. Суратда: мактаб ўқувчиси Э. Атабанова амалий машғулотда. К. Розиков фотоси. ЎзТАГ.

ЯХШИ ТАШАББУС

АВТОБАЗА майдонини қандай қилиб асфальтлаш мумкин? Ахир асфоб-анжомлар ва машиналарни вақтинча қаерда сақлаймиз? Директорнинг боши қотиб ўтирган эди, кабинетга механик Қодир Раҳимов кириб келди.

— Менда бир фикр бор, — деди у. — Автобазани вақтинча каналнинг ёқасидан кенг майдонга кўчирсак, атрофига тўсиқ қилиб машиналарни бирикки кун ўша ерда сақласак. Бу ўртада автобаз территорияси тўла ремонтда қинқарилди.

Директорга механикнинг тақлифи маъқул тўлиди. Эртасигаёқ рейста чикувчи барча автомашиналар янги жойга кўчирилди. Ремонтдаги машиналар эса бир чеккага тартиб билан қўйилиб, йўл қурувчилар учун

иш fronti яратиб берилди. Орадан оз вақт ўтмай, автобаз территориясини ремонт қилиш ва асфальтлаш ишлари тўла сифатли тугалланди. Коммунистлар кейин жамоатчилик йўли билан автобазанинг олд томонида кичиккина хёёбон яратиб, атрофини ўзлари асфальтладилар. Хёёбонга кўчтар ўтқазилди, ўртага Ҳўрмат тахтаси ва кўргазмалар ўрнатилди.

Қодир Раҳимовга ўхшаш ташаббускор жамоатчи коммунистлар Искендер шахридаги 82-автобазда кўплаб топилади. Слесарь Абдуҳамид Эрашев, тоқарь Абдурауф Аблметов, шоферлардан Аҳмад Рамазонов, Ўрибой Ғуломов каби ўртоқлар тақлифи ва ташаббуслари билан кейинги йилларда автобазда кўпгина тадбирлар

амалга оширилди. Коммунистлар гайрати билан машиналарни ювниш автоматлаштиришди, тоза сув олиб келди, машиналарни ёнлиги билан таъминлаш автоматлаш елкасига юклатилди. Бу тадбирлар неча минглаб сўмлик иқтисодий самара берди.

Бу йил автобазда ремонт ишлари конвейер усулида бажарилмоқда. Шунингдек, цехларни иссиқ сув билан таъминлаш, янги электротрансини ишга тушириш, охиона, машини хизмат кўрсатиш пунктлари қуриш мўлжалланган. Ҳозирги кунда бу тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юбилей йилида планга қўшимча равишда 12 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб берган автобаз шоферлари бу йил ҳам улкан марраларни қўзлашган. Ҳозирги кунда беш йилликнинг учинчи йили планини мўддатидан олдин бажариш бўйича шоферлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бу курашда коммунистлар ташаббус кўрсатиб коллективни доимо олға етакламоқдалар.

А. АҲМЕДОВ.

ЯНГИ ҚОЙИМЛАР

«Қизил тўнг» фирмасининг ақил коллективи йил сайни Ўрта Осеё республикалари аҳолисига кўплаб янги фасондаги пальёллар етказиб берди. Юбилей йилида 28 хилдаги 67 мингта маҳсулот маданиларга чиқарилган эди. Шу йилнинг биринчи ярида эса 40 минг маҳсулот ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Фирмада ҳозирга 11 хил маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхона ихтирочиларининг иш айнасида диққатга сазовор. Ўтган йили уларнинг 70 тақлифи жорий этилиб, фирмага 110 минг сўмдан зиёд иқтисод қилиш имкониятини берди. Бу йил ҳам радиокалкulatorлар янги-янги тақлифлар билан чиқаришмоқда. В. Кайиш, Н. Кудинов, А. Аветова, Р. Тўхтаров ва М. Глиман каби новаторларни ҳамма ҳўрмат қилади.

Корхона беш қулик иш ҳафтасига ўтганидан берн ишчиларнинг меҳнатдан ташқари пайтларда қўнғили да олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун алоҳида ғамхўрлик қилишмоқда. Улар коллектив равишда кино ва театрларга, Чимёй ва Троицкдаги баҳаво жойларга бориб, қўнғили ҳордиқ чиқаришмоқда.

А. ЗОКИРОВ.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

КАЛИНИН. Райондаги Охундобоёв номи колхозининг чорвадорлари беш йиллик ваҳтасида турниб меҳнат қилишяпти. Бу ерда чорва маҳсулотлари кўпаймоқда. Колхозчилар бўрдоқига қўйилган моллардан кўнлини гўштира топириб, ярим йиллик гўшт тайёрлаш планини мўддатидан олдин бажардилар. Сут соғувчилар эса 16802 литр сарқаймоқ сут топиришяпти, квартал планини ошириб адо этидилар.

Э. Тўлаганов.

ЧИНОЗ. Янгийўл районидagi Карл-Маркс номи колхозининг илгор сут соғувчиларидан Ойсара опа Сағинова, Фарид Маҳмудова, Назира Мухамедова, Замира Мухамедовалар ишлаган чинаришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кўнига 70—80 литрдан сут топиримоқда.

Х. Сулаймонов.

ОҚТЕПА. Калинин районидagi Калинин номи колхоз сут соғувчилари бир-бирлари билан мусобақаланиб ишламоқдалар. Жуда кўп чорвадорлар ўзларига бирикитилган моллар қаровини яхшилаб, кўпроқ сут соғиб олишяпти. Турдихон Қодирова, Маишкура Ҳамидова, Зўдра Орифзонова каби сут соғувчилар ҳар ойда 5000 килограммдан сут топириб, планларини ортинги билан адо этмоқдалар.

А. Ҳусанов.

БЕКОБОД. 1-«Далварзин» совхоз 3-сут-товар фермасида 8 киши ишлайди. Улар ўзларига бирикитилган ҳар бир соғини сизгидан 2350 литрга етказиб сут соғиб олишга сўз беришган. Аҳдига вафо қилаётган чорвадорлар шу кўнларда ҳар бир сизгидан 8—10 литрдан сут соғиб олмоқдалар.

Э. Қирқоев.

ЭКИШ АВЖИДА

Абдужалил Фозилов бошлиқ бригада деҳқонлари ўтган юбилей йилида қишлоқ хўжалик экинларидан маҳсулот етиштиришни турлари бўйича бажариб, планини 139 процент адо этишган эди.

Бу йил ҳам бригада аъёлари юқори ҳосил олиш мақсадида пухта замин тайёрламоқдалар. Ҳар гектар ерга 15 тоннадан маҳаллий ўғит, 500 килограммдан суперфосфат солдилар, сифатли шудгор қилинди. Мўлжалдаги ҳосилни олиш учун эртаги экинлар экинни барвақт бошлаб юборишди. Шу кўнчага улар 24 гектар янги беда, 2 гектар уруғлик пиез, 2 гектар сепма пиез, 8 гектар эртаги картошка ва бошқа экинларни экиб бўлишди. Бу ишларни бажаришда Н. Алнев, Т. Зияев, Е. Нуралиев, З. Ибодов сингари бригада аъёлари астойдил ишламоқдалар.

Э. ТўЛАГАНОВ. Калинин районидagi Охундобоёв номи колхоз.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Инкубатория станцияси Янгийўл районидagi йирик паррандачилик хўжалиқларидан бири. Станция паррандаларни ўтган йили давлатга 200 центнер парранда гўшти ва 325 минг донна тухум етказиб бериб, бу соҳадаги планларини анча ортинги билан адо этишди.

— Ўл дастурхонига 250 центнер парранда гўшти ва 350 минг донна тухум етказиб берамиз! — Беш йилликнинг учинчи йилида станция коллективни ана шундай катта мақсад билан меҳнат қилишди. Паррандабоқарларнинг намунали ишларини туфайли тухум ва парранда гўшти етиштириш йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Янгида давлатга товуқ гўшти сотиш бўйича ярим йиллик план 100 процент, тухум сотиш бўйича биринчи квартал плани 133,6 процент адо этилди. Меҳнатсевар паррандачилар эл дастурхонига 40 центнер парранда гўшти ва пландаги 60 минг донна ўрифта 80,2 донна тухум тортиқ қилдилар.

М. ПЕИСЕНОВ.

ЕРГА ЕР ҚЎШИЛМОҚДА

Шу кўнларда Оржоникидеё районининг ирригаторлари экин майдонларини кенгайтириб, ерга-ер қўйиш мақсадида бирмунча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жўмладан улар Жданов номи колхозда 29 гектар тепалиқини ўзлаштириб, экин экиш учун ҳавани қилишяпти. Илгари колхоздаги бу тепалиқнинг 12 гектарига маккажўхори экилса ҳам мўлжалдаги ҳосилни олишолмас эди. 17 гектари эса бўш ётарди. Энди ана шу тепалиқ ҳам узузмдор ерлар қаторига қўшилди. Район ирригаторлари ариқ-зовурларни қўкламга ҳозирлашга ҳам киришдилар. Колхозда янги экин майдонларини сув билан таъминлаш учун 1000 метрли масофада янги ариқ қовланди. Бу ариқ билан 50 гектар майдон бемалол сугорилди. Фрунзе номи колхоздаги 5 километрни натта ариқ ҳам сифатли тозаланди.

Ирригаторларнинг бу йилги аҳди катта. Улар «Ленинград», К. Маркс номи колхозларда фойдаланилмай ётган ерларни экинзорга айлантириш, май ойига қадар ана 50 гектар тепалиқини ўзлаштириш учун курашмоқдалар. Бу ишда Г. Гор, В. Лидяшин, Н. Абдуллаев каби бўльдзери ва тракторчилар гайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

Н. РУСТАМОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР Филлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени ўсимликлар хизмисини институтда шу кўнларда маҳаллий ўсимликлардан олишган 17 хил дорин-дармонлар устда тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Суратда: институт илмий ходими Л. Авазмухамедов тажриба-технология лабораториясида.

Н. Ключев фотоси, (ЎзТАГ).



Хоҳир сессия қабул қилган қарорларнинг таъсирчанлиги сезилапти. Қишлоқда касалхона қурилиши низоҳосига етиб қолди. Чанги қишлоғида уч юз алик ўринли клуб аҳолига тортқ етди. 53-манбаб учун янги бино қурилиш ҳам бошлаб борилади. Илгарилари ўқир-чўқир бўлиб ёган Паркент-Кумушқон йўлига асфальт етказилди. Хисарат қишлоғининг Юқори маҳалла участкасидаги сойга темирбетондан мустаҳкам кўприк қурилди. Қишлоқнинг дам олиш

РЕЖАЛАРИМИЗ КАТТА

ЗАРБДОР БРИГАДА

РЕЗЕРВЛАР КЎМАКДОШ

КАПИТАЛ КУРИЛИШ—МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

хисиз миннатдормиз. Жон! ар-
парнинг сийдиқидан кўрсатаёт-
ган тиббий ёрдамлари ҳақида
қар қанча тўлиб-тошиб ёзса ар-
вийди.

САЛАЛАР МАСАЛАСИ

туриб бордин. У хирургия каби-
ната 12 йилдан буён ҳамшира-
лик қилмайдими, бундай ҳоллар
дарҳол ёрдам кўрсатиш чора-
лари яхши билади. У беморни ях-

«Главташкентстрой»га қарашли автобаза бизни транспорт восит

ди. Ҷамоатчилик, айниқса шифохона ходимлари жонбозлик, фурсатиб, бинони ремонт килишга киришди. Ҳозир бу даргоҳга келиб, дардимизга шифо топиб

Э Л М И Н Н А Т Д О Р

хисиз миннатдормиз. Жон! ар-
парнинг сийдиқидан кўрсатаёт-
ган тиббий ёрдамлари ҳақида
қар қанча тўлиб-тошиб ёзса ар-
вийди.

туриб бордин. У хирургия каби-
ната 12 йилдан буён ҳамшира-
лик қилмайдими, бундай ҳоллар
дарҳол ёрдам кўрсатиш чора-
лари яхши билади. У беморни ях-

ди. Ҷамоатчилик, айниқса шифохона ходимлари жонбозлик, фурсатиб, бинони ремонт килишга киришди. Ҳозир бу даргоҳга келиб, дардимизга шифо топиб



А. НАВОЙИЙ ЮБИЛЕЙИГА

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий тугилган кунининг 525 йиллигига Тошкент чини заводи ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу кунларда шоирнинг сурати солинган махсус юбилей вазалари ишламоқда. Бу вазаларнинг безаклари ҳам жуда ажойиб. Шунингдек, Навоийнинг ҳикматли сўзлари ва афоризмлари битилган бошқа бир талай чини идишлар ҳам тайёрланмоқда. Суратда: миллий безаклар устаси Ёкубжон Қорабоев. И. Глауберзон фотоси.

ОЛМАЛИҚ ТРОЛЛЕЙБУСИ

ОЛМАЛИҚ шаҳрида янги троллейбус ишига туширилди. У пойтахт марказини В. И. Ленин номидаги тоғ-металлургия комбинатининг руда бойитиш фабрикалари билан боғлайди. Суратда: шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида. Г. Пуи фотоси. (ЎзТАГ).



ШОНЛИ САНАЛАР ОЛДИДАН

Тошкентдаги 174-мактабга киришнинг билан завқингизга завқ қўйишди. Чунки, бу ердаги заллар кишини ўзига мафтун этувчи турли стендлар, кўргазмалар, диаграммалар билан чиройли қилиб безатилган. Айниқса, В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги олдидан ташкил этилган кўргазма эътиборини ўзига тортди.

Хозир бу ерда яна икки санага ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Мактаб кутубхонасида жирода А. Навоийнинг асарларидан иборат кўргазма очилди. Унда «Навоий газаллари», «Навоий достонлари», «Навоий ҳикматли сўзлари» деган бўлимлар бор. Юқори синф ўқувчилари аса, юбилей олдидан адабий конференция ўтказиш тарафдорлиги кўрмоқдалар.

Шунингдек, ўқувчилар М. Горькийга бағишланган адабий нечалар ҳам ўтказишди. В. И. Ленин «Горький ҳақида», «Горькийнинг «Она» романи, «Горький совет адабиётининг асосчиси» деган темаларда докладлар ҳозирланмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

НАВРЎ

Зумрад адрларнинг кўрқига тўймай,
Шодлар лолалар кўхлигидан дил.
Қалб торин чертади бўлбўл каби най,
Шафқ эмар нафис куй шўхлигидан дил.

Тонг ели қитқиллаб, юзларим силаб,
Чаманлар бўйида бўса тутайди.
Меҳмондўст чўпон қиз — гулрў — гунча
лаб.

Қимизни лим тўла жоса тутайди.

Сипқариб, тин олиб сураман хаёл,
Ешлигим баҳорга этаман қиёс.
Илайман, ўхшашим бормикини хиёл,
Шу асл фаслининг зийнатига хос.

Биламан, навбаҳор асло қаримас.
Хар наврўз яшариб қайтиб келади.
Йўқинлик, сулулик ундан аримас,
Хаёт қўшиғини айтиб келади.

Борлиқни нурга ҳам, гулларга ўраб,
Саховат тўкар у ёз сийнасида.
Лутфидан она ер кўкси туркираб,
Зар кўл олтин куз ҳазинасида.

Ешлигим, сен ҳам шу баҳор сингари,
Кошқийди, бир умр ташлаб кетмасанг.

Хилватга чекилиб, қошимдан нари,
Тақдиринг измига бошлаб кетмасанг.

Қололсам эгизак бўлиб баҳорга,
Хар наврўз у билан яшариб келсам.
Қафтида кўтарган она диярга,
Қамолот бахш этиб югурсам, елсам...

Не ажаб, қайтадан тугилмас ешлик,
У сенга бир марта этилар тортиқ.
Қадрини билмасанг — бу бағиртошлик,
Ешлигини беҳуда ўтказма ортиқ.

Ўзингни баҳорга гар этсанг қиёс,
Хар фурсат умринг қимматига ет.
Меҳринг бир чашмаю, қалбада ахтирос,
Дийринг аяштиб, боғ эт, чаман эт!

Навбаҳор еллари парвона бўлиб,
Гулчалар қатини очганда богда —
Булбуллар чақ-қақлаб хоншига тўлиб,
Гулларнинг атрини уфурган чоғда —

Бамисоли шу хушнуд, завқли онингдек,
Мафтунинг, баҳоринг, жона-жонингдек,
Хар наврўз ешлигини қайтиб келади,
Хаёт қўшиғини айтиб келади.

Усмон ЖОНГИТОВ.

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАВАР ҚИЛАДИЛАР

ҚИШЛОҚНИНГ КЕКСА
ШАХМАТЧИСИ

Константин Павлович шахмат мусобақасида биринчи бор қатнашганига 40 йилдан ошди. Кеч бўлди дегунча, унинг уйига шахмат мухлислари тўпланишди. Ўзаро бахслар, тортишувлар анчагина давом этди. К. Власов ёшларга шахмат сирларини ўргатади. Врач Т. Ким, ўқитувчи В. Пек, шофер Ж. Сафаров, маданият ходими А. Жомайдаровлар хаваскорликдан биринчи разрядли спортчи бўлиб олинди. Буларнинг ҳаммаси К. Власовдан таълим олган.

Кекса шахматчи мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан спортчилар билан хат орқали ўтказилгандаги турнир мусобақаларда ҳам қатнашиб туради. У яқинда ана шундай мусобақаларда иштирок этиб, мастерликка кандидат номинини бажарди.

Ўрта Чирчиқда бу шахматчининг танимайдиган одам йўқ. «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном», шахсий пенсионер К. Власов қишлоқ ешлари ўртасида шахматни оммавийлаштиришда катта ишлар

қилапти. У айни вақтда бир қатор мусобақаларга судьялик ҳам қиламоқда.

Т. РЎЗИМАТОВ.

КОНЧИЛАР ҲАҚИДА
КИТОБ

Яқинда китоб магазинлари витринасида «Ўзбекистоннинг кўмир саноати» номли китобча пайдо бўлди. Китобни Тошкент политехника институти республика Госплани ҳузуридаги илмий техника информатсия ва пропаганда институти билан ҳамкорликда нашрга тайёрлаган.

Китоб Оҳангарон кўмир ҳавассининг топилиши ва ривожланиши, «Ўзбекистон» комбинати Шарғун руда қони ҳақида ҳикоя қилади.

«Ўзбекистоннинг кўмир саноати» китобчаси авторлари Оҳангарон кўмирини топишда актив иш олиб борган ва кекса шахматчилар айлони бўлган — Музаффаров, Ёлдош Эшбоев, Асқарали Холқов, Исмомил Иброҳимов, Жўра Ёлдошев, Қамол Султонов ва бошқаларнинг хизматларини ҳам эслаб ўтишган.

Е. ГОДОВИКОВ.

ЯРАЛАНГАН ЛОЙХУРАК

Владислав ТИТОВ.

Ҳ И К О Я

— Майли ҳечқиси йўқ, бир иложини топиш... Ҳечқиси йўқ... — дедим пичирлаб, ўзимга ўзим тасалли бермоқчи бўлган-дек. — Энди сени ҳеч ким хафа қилмайди... Қани, хафа қилиб кўришсин-чи!..

Уша кунин биз қўл ушлашиб, қишлоқ кўчаларини узоқ кезиб юрдик. Мен кўп нарсалар ҳақида гапирдим. Саша гапларимни тушунмаслигини билсам ҳамки, овозимни эшитишни жуда-жуда истардим. Бу истак юрагимда аламга айланиб, менга тинчлик бермасди.

У яланг оёқлари билан майсаларни босиб-янчиб ёнма-ён бораркан, олдига югуриб кетар, мени яхшилаб таниб олмоқчи бўлган-дек, қилиб қараб турарди. Ниҳоятларимиз учрашган чоғда унинг қўзлари қувондан қанчаб кетар, худди ўзининг қисқа, сокин ҳаётини зориқиб кутган учрашувга етишган одамдек қувониб кетарди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Саша билан жуда ҳам яқин бўлиб қолдик. У ўзининг болаларининг ўзига хос «ташвиши» билан мени ёлғиз қолдириб кетган пайтларида (бундай ҳоллар камдан-кам бўларди) мен ал-лапарасини йўқотиб қўйган одамдек гарансиз қолардим.

Амало: менга нима керак? Қимми нэялларми? Бундай пайтларда мен ҳам ўқинч, ҳам қувонч билан ўлардим. Ёшларда жимжити ўтирувчи Саша йўқ. Мен Сашани ахтарайликми. Менга Саша керак.

У ҳам менга жуда ўрганиб қолди. Хар кунин эрта билан ўйкудан кўз очганида, бош томонимда ўтирган ўша боланинг кўрадим.

— Сатом, Сашо! Ҳўш, бугун қаёққа борамиз? — у қўзлари қувондан чақиб, даштага йшара қилишини билсам ҳам атайлаб сўрадим.

(Боши газетамизнинг 20 март сониди).

Дашт бизни гала-гала қўшларини шовқин-сурон, чигирткаларнинг нағмаси, гулларнинг муаттар атри билан кутиб оларди. Бу ерга келгач, Саша жуда ҳам яқин кетарди. Ирғишлаб, майсалар устида умбалоқ ошиб ўйнар, қўзларидан ёш чиқиб кетгунча ҳандон ташлаб қуларди. Худди қуёш ўзининг қўзга кўрнимас меҳрибон қўзлари билан уни эркалатаётганга ўхшарди.

Биз кичкинагина қиёқ босган қўл ёқасида ўтиришни яхши кўрардик. Борлиқ сукунат кўйида мудар, қамшизор ҳам шу сукунатга монанд ўйчан шитилар, қиёқзор шовуллар эди. Фақат тўқай чағалайларини қулоқни қоматга келтирувчи қичқирғин билан табиат сокинлигини бузарди.

Одатда Саша муштчаларини илгирга тираганича менга номуъому бўлган аллапарасалар ҳақида хаёл сўриб ўтирарди. Шундай кунларнинг бирида мен унга товушлар ҳақида гапириб бермоқчи бўлидим.

— Мама бу қўшларга қара, Сашо! — мен кўлим билан чағалайларга ишора қилдим. — Улар қичқиряпти. Кўрпаларим, тумшурини очганида овоз чиқади... Худди қуёшга ўхшайди. Қара, у булут ортига ўтиб кетди. Нури ҳам йўқолди. Ана энди булут ортидан чиққан эди, нури суё бетига тушди. Бамисоли овозига ўхшаган нараса. Тушуяпсанми? Еки қамшизор... унинг исми ҳам жисмига монанд, ўйчан, гамгин. У ана бундай охишта чайқалай шитиларди...

Мен бу болакайга атрофдаги шовқин-сурон оламининг бирорта овозини эшитишни учун уни қараб олган. Даштдаги жимликни тилкалаб ташлагани келарди.

У эса қўзларини катта-катта

очиб, аяқли бир қизикчи ва ҳайрач билан менга тикилиб турарди.

— Эҳ Саша, Саша... — Мен енгил хўрсиндим. — Тақдир бунча беафғат бўлмас? Наҳотки ҳаёт шундайилгича қолаверадик?

Саша сапчиб ўрнидан турди-ю, югуриб кетди. У қўзлари билан қулоқларини маҳкам бекитганича қоқилиб-сурилиб бораркан, бирон марта ҳам ортига қайрилиб қарамади.

Кечаси болохонада ётганимда кўзимга урилган унинг таниши, илқинида нафасидан уйғониб кетдим. У ёнмада қўзларини боши остига қўйганича юлдуз тўла осмонга тикилиб ётарди.

— Саша нима бўлди оғайнича-деш? — кўйини ўйлардим, бир вақтингиз ўзида бу жумбоқларга жавоб тополмай қийналардим. — Саша ачинаганим учун хафа бўлдингми? Еки бошқаларга ўхшама-ганингини тушуниб қолдингми-а?

Юлдузлар... — дедим омонини кўрсатиб, — уларнинг ора-сида одамнинг қўли билан ясалганлар, унадиғанлар ҳам бор. Ванги келиб сен ҳам катта бўласан. Ўқийсан. Ким билади дейсан, Сашо, ана шу қўзларинг билан ҳамма нарсани кўрувчи ва эшитишни антика асбоб ласарсан. Бу асбоблар бошқа оламларга учиб борар ва қўрган-кечирганларини одамларга айтиб беради. Сен ана шулар орқали ҳамма нарсани кўрасан ва эшитасан.

Кўнларимиз шу тарада осойишта ўтарди. Бора-бора мен дўстимдаги ғалати ўзгаришни пайқаб қолдим. Бу ўзгариш уни ўзининг ешига нисбатан салобатли, ақлли ва жиддий қилиб қўйган эди. Сўнгра... Сўнгра ўша

серкўеиш кун бошланди. Кошки, ҳаётда бу кун бутунлай бўлмаса эди. Ўқитимол шундай бўлганида ҳамма нараси бошқача бўлармиди? Ўқитимол, иккаламизни ҳам қаттиқ раминган, дўстлигимизга раҳна солган ўша воқеа юз бермасмиди?

Саша уйда қўлимга милтиқ олганимдаёқ тумшайиб олдди. Унинг бу сўз асбоб билан даштга бориб келмаётганини кўришни турарди. Бирон болаларга бир қизикчи билан, бунинг устига мендан айрилгани келмай бир-юла оғларди. У қовон-тумшугини осилтириб, елкамдан қўеиш пуримда ялтиратган қўш-отарга ўғринча назар ташлаб, ёнма-ён одимлаб борарди.

Овимиз юришмади. Иссиқдан тинкмаси кўриб, чарчаган оёқларимизни зўр бағир сўради. Ўйга қайтардим. Бошимиз топасида худди омадсиз овчини масхара қилгандек лойхурак жарангдор овоз билан тинмай қичқирарди.

— Хозир мен сенга майна қилишни кўрсатиб қўяман, — милтиқни елкамга тираб, отишга шайландим. — Отаманинг, отамасанингми? — эришчонлик билан ҳайлидан ўтказиб, қўйдим. — Йўқ, таваккал отавериб, Сашага эрмак бўлар.

Хали бир қарорга келиб улгурмасидан, лойхурак отиш учун жуда ҳам қўлай, яқин жойга келиб қолди. Бармоғим ўз-ўзидан тепкини босиб юборди. Милтиқ худди жаҳл қилгандек елкамга қаттиқ туртиб, иккала оғзидан баравар кўргошин пуфлаб юборди.

Ўйламасдан қилган бу ишдан қандай кўнглисизликка сабаб бўлганини Сашага бир қарашдаёқ тушуядим.

— Унинг рангидан қон қолмаган, қўзлари титраб, қўзлари нафрат

билан боқарди. Мен ҳали ҳушимни йиғиштириб улгурмасидан, у бирданга менга ташлаиб, милтиқни тортиб олди-да, кучининг борича улоқтириб юборди.

Ўртасига у келмади. Учинчи, туртинчи кунлари ҳам уни беҳуда кутдим. Тасодифан учрашиб қолганимни умид қилиб, қишлоқ кўчаларида тегираб юришларим ҳам бекор кетди. Дўстим мендан ўзини олиб қочар, кўрнимасликка ўришарди.

Кўнлар жуда ҳам узун, бир ҳали да эрикарли бўлиб қолди. Энди дашт ҳам мени ўзига тормас, борди-ю, эски одатим билан бориб қолсам, унинг илгариги лабофатини сезмасдим ҳам. Дашт қорайиб, қандайлир бўмбўш, ёқимсиз бўлиб қолганга ўхшарди. Отпускам ҳам тугаб қолди. Қўз яқин. Осмонинг тез-тез қора булут қоқлаб, совуқ ёғириб ётиб турарди.

Қўшн болалар менга Сашага лойхуракни далолат тузатганини айтишди. У каллан-саҳарлаб қушини даштага олиб қичқиди-да, учинчи юборди. Ўзи ҳам холдан тоғиб йиқилгунча унинг ортидан югуриб бораверибди.

Хаш-паш дегунча кетадиган куним ҳам этиб келди. Ўртабалаб, совуқ шамол аралаш ёғириб боради. Қишлоқдан қўнглим гаш бўлиб қичқиди. Поеви йўқ, даштдаги совуқ даштини пёйда кесио ўта бошладим. Мама, ўқ овози янграган, бир қушини яраб, нисон дўстлигини барбод қилган жой.

— Эҳ, Саша, Саша охир сени ранжитмоқчи эмасдими-ку...

Вокзалга жуда барвақт этиб келдим. Билет олган, поезд келишини кутиб перронда айланиб юрдим. Орадан ярим соатлар чама-

си вақт ўтгач, поезд бут уфуриб, перронга келиб тўхтади. Одамлар тикилишиб, вагонларга чиқа бошладилар. Мен эсам чемадониим олиб бамалихотир перрон бўйлаб юра бошладим. Тўсатдан...

Уст-боши қиққа хўл, совуқдан қалт-қалт титраётган Саша тўсқанда ёпишиб олганича саросималик билан одамлар тўдасига тикилиб турарди. Бақириб юбордим:

— Саша! У худди овозимни эшитгандек алт этиб қаради. Ҳали ҳушимни йиғиштириб олмасидан, буйиндан маҳкам қучоқлаб олди. Мен кўксимда унинг хўл буринини, титроқ совуқ лабларини, қайноқ ёш томчиларини сездим.

— Саша нима бўлди. Сашеяна, қўй, оппоғим... Қўй энди, мени кечир яна келаман, албатта келаман... — томоғимга туриб йолган аллақандай думалоқ нараса гапиргани қўлмасди.

Сашани кўнриғи жиринглаб, поезд ўнidan қўзғолди. Аста-секин тезлигини ошириб, перрон ёнидан сўриб кетди. Саша мўдез асфалтда совуқ кўз — ёғирига парво ҳам қилмай, ётган турарди. У мушти билан қўзларини артиб кўяр, елкаларни тез-тез силкинарди.

— Оғайнича! Бу нима қилганинг? Оқсўлағи бутун даштини кесио ўтиб мени кўзатгани келибсан-а?...

Поезд тезлигини оширди. Боланинг гавдаси боран сари китралиб, ниҳоят қўздан йўқолди.

— Шундай қилиб, тушингизда қанақа Сашани кўрдигинга? — йўловчилар мени ўш ҳолимга қўймай сўрашди.

— Дўстим! — дедим-у, шартга деразага қараб олдим.

Нега бу ҳақда уларга айтиб бермадим, билмайман. Нафсанам бирини айтганда ҳаётга жавоб бериш мушкул, ҳатто жавоб беришга киши жазм этолмайдиган НЕ-ГАЛАР озмончани?

Луганск шаҳри.

Русчадан Эмникоқ УСМОНОВ. таржимаси.

Реклама ВА Экспонат

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
17.55 — Кўрсатишлар програм-маси.

Рус тилида: 18.00 — Телеинги-лилар, 18.15 — Ҳаёти нарсани билишни истайман (тележурнал), 18.45 — Реклама ва эълонлар.

Ўзбек тилида: 19.50 — Телеин-гиликлар, 19.10 — Мангу тириндир (адабий-музикали композиция), 19.50 — Хонадонларимиз кўрни (Янгийул меъбел фабрикаси ҳақида тележурнал), 20.05 — Ярим аср йилномаси (кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмларнинг 1926 йил ҳақидаги серияси), 20.55 — Концерт (халқ талантлари), 21.35 — Венгер бойи (рус тилида, бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 18.00 — Ёғу/а эшитиришлари программаси. Фи-зика (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — Олий математика, 19.30 — Немис тили (студентлар учун).

20.00 дан — Москва кўрсатади. УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — Олмаота кўрсатади. ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Тинч ёсар Дон (бадиий фильмнинг учинчи серияси), 21.55 — Рига телестудия-сининг концерт программаси.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРИДА — 21/III да Тру-бадор, 22/III да Гулсара.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да Мухаммид айбона, 22/III да Пар-вона.

МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРИДА — 21/III да Гаҳарин шамширон, 22/III да Нодира.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет Цирки усталининг янги программаси. РСФСР да хизмат кўрсатган артист Борис Вяткин иштирок этади. Билетлар сотил-моқда.

КЕНО

У бир ўзи негдан (1 ва 2-серия)
«Чайка», «СПУТНИК», «ЎЗБЕ-КНИСТОН», НАВОЙИ НОМЛИ, «ВОС-ТОК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб 11, кундуз соат 2, 5 ва кеч 8 да), САҲНАТ САРОНИ (эрталаб 11 ва кундуз соат 2 да).

Сергей Лазо — «ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда).

Ломбошдаги муъизза — «МОС-КВА» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз соат 12, 4 да).

Умид киргоғи — САҲНАТ СА-РОНИ (кундуз соат 5 эрим, кеч 7 эрим ва 8-15 минутда